

ЖАЛҚ СҮЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг газетаси

20 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА № 76 (581). 1993 йил. Сутубда эркин нархда.

Ислом КАРИМОВ:

«ОРҚАГА ҚАЙТИШ ЙЎҚ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЙЎЛИ БИТТА — МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАБ, ОЛГА БОРИШ!»

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИ БОШЛИҚЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

Тасодифки, йўқми, ҳар ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг самолёти «Минск-1» аэропортига ҳаммадан кейин қўнди. Шу лойиқ Беларусь ҳукумати шайхонинг шаҳар ташқирисидати қароргоҳида Борис Ельцин, Леонид Кравчук, Нурсултон Назарбоев, Ҳамдўстликдаги Мустақил Давлатларнинг бошқа раҳбарлари уни кутиб туришарди.

Шу боисдан Ислом Каримов тушган самолёт пилотлари ёнида журналистлар унга кетма-кет саволлар ёлдиришайтиганда Беларусь Олий Кенгашининг Рэнси Станислав Шусткевич дам-бадам соатига қараётгани учрашув мезбонининг бирмунча бетоқат бўлаётганидан дарак берарди. Ислом Каримов эса бунга парво қилмасди. У довулдек ёлган сзволларни эшитиб, шундай жавоб қайтарди:

— Учрашувни эулик билан ўтказишга қарор қилинди. Охири оқибатда биз қандай қарорга келишимизни раванш билмасам ҳам, шунини аниқ айта оламиз: Россия Президентини Ельцинга ва парламентга ишонч билдириш юзасидан 25 апрелда ўтказилган референдум асосий масаласига; Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бундан буён ишайдики ёки йўқми? — деган саволга жавоб берарди. Бир қанча оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўзбекистон Республикаси МДҲда қатнашишдан бош тортиб, деган гаплари — гирт ёлгон. Биз бирлашув жараёнини ривожлантириш учун изчил ҳаракат қилиб келишимиз. Бу ҳаракат аввалгидек қозғолиб эмас, балки амалда бўлишига. Нега десангиз, шу дамгача 270 та ҳужжат қабул қилинди. Афсуски, улардан биринчиси наф бермапти...

Ўзбекистон ўзининг тараққиёт йўлини танлаб олган. Аммо МДҲ ҳамкорлигининг энг маълуф ва энг маданий шакли эканига ишончим комил. Ҳозирги энг муҳим вазифа — татбиқчан ҳаракат омиллини ишлаб чиқиб, шу тариқа маъмур иқтисодий-сиёсий тузилмадан баъзи инисаларини кулайлиқ сифатида фойдаланишга чек қўйишдан иборат. Ислом Каримов дарҳол бошқа давлат бошқилари мунтазир бўлиб турган Беларусь ҳукуматининг шаҳар ташқирисидати «Заславль-1» қароргоҳида йўл олди.

Муъажазгина бино ичиданима гаплар бўлгани фақат



мил. Бузилган алоқаларни қайтадан тиклаш зарур. Миллатлараро жанжалларни тўхтатиш, Ҳамдўстлик фуқаролари бемалол маданиятга ҳаёт кечиринилари учун имкони бўлган ҳамма ишни қилиш муҳимдир. Бунинг учун Россия бир қанча дастурлар мажмуини тақлиф қилди.

Шундан кейин қора «ЗИЛ» ва «Чайна» машиналари қаровни дарҳол маданият — ахборот маркази биносига етиб қелди...

— Бир неча кун муқаддам Ҳамдўстлигимиз давлат бошқиларининг навбатдан ташқир учрашувини бўлишини бир неча кишигина билар эди. — Минск кенгашини бошқарган Нурсултон Назарбоев илгаридан тайёрлаб қўйилган матнини ўқиб бошларди. — Шундай бўлиши мантиқийдир. Аввалги ҳамма учрашувларда кўп-кўп ҳужжатлар қабул қилиндию, аммо улар қозғолиб қолди кетди. Шу сабабли МДҲ давлат бошқиларининг бу галги учрашувини муҳокамасига: «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини янада мустақамлаш тўғрисида» деган фақат битта сиёсий масала қўйилди. Бу масала тулдик билан ҳал этилиши тақозо қилди.

Сўнгра Қозғистон Президентини ақралиш жараёнини кучайиб бораётгани ҳақида гапирди, собиқ

(Давоми 3-бетда).

ИШОНЧ ЁРЛИГИ ТОПШИРИЛДИ

19 апрель кунни Дания Қироллигининг Ўзбекистон Республикасидаги факуллода ва мухтор элчиси этиб, тайинланган Хенрик Ри Иверсен мамлакатимиз Президентини Ислом Каримовга ишонч ёрлигини топширди.

ДАНИЯ ҚИРОЛЛИГИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЖАНОБ ХЕНРИК РИ ИВЕРСЕН

Ишлар вазирлигида ишлаб бошларди. 1970 й. — Брюсселдаги Евроба ҳамжамиятда Дания доимий ваколатхонасининг котиби. 1974 й. — Дания Ташқир ишлар вазирлигининг шўба мудири. 1979 й. — БМТдаги Дания миссиясининг иртисодий маслаҳатчиси, Нью-Йорк. 1983 й. — Дания Ташқир ишлар вазирлигининг бўлим мудири. 1986 й. — Каранасда элчи, шунингдек Брингетун, Порт-о-спейс, Порт-о-спрейс, Санто Доминго, Сент-жоржес, Розау, Богота ва Китода аккредитован этилган элчи. 1988 й. — бошқарилган бошқирлиги, элчи, Дания Ташқир ишлари вазирлигининг тижорат масалалари бўйича бошқарилган бошқирлиги. 1991 йил. — Дания Ташқир ишлар вазирлигининг масъул котиби. 1992 йилдан ҳозирги вақтга — Россия Федерациясида Даниянинг факуллода ва мухтор элчиси. Элчи Хенрик Ри Иверсен биринчи даражадаги Даннеборг ишонч соҳибидир. Элчи Хенрик Ри Иверсен оилали, Рафқаси — Метте Иверсен, Угли ва қизи бор.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБЛАРИГА

Президент жаноблари, Ўзбек халқи баҳор байрами Наврўзини ишонч билан эъмонлари ва маданиятини сақлаб қолишга иштилоқда. Шу ниҳатдан биз уни буюк миллат деб тан оламиз. Шу мавриддан фойдаланиб, Сизга ва халқингизга гоат дўстона қўтовлар йўллайман ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан мен бошқирлик қилаётган Юқори Сена департаментини ўртасидати алоқидани яқин алоқаларни яна бир бор эслатиб ўтаман. Президент жаноблари, Сизга эур ҳурмат-эҳтиромини қабул этгайсиз.

Шарль ПАСКУА, Юқори Сена департаментининг сенатори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ А. Х. ТОШКЕНБОВНИНГ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОҚИМИ ЭТИВ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- (12-банди) 102-моддаларига мувофиқ Алишер Хошмурадovich Тошкенов Жиззах вилоятининг ҳоқими этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини И. КАРИМОВ. Тошкент шаҳри, 1993 йил, 15 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ Ф. М. РАФИҚОВНИ МУҚОФЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон фуқаро авиациясини ривожлантиришда кўп йил самарали меҳнат қилгани ва жамоат турмушида фаол иштирок этгани учун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Бош директори Ганий Мааматович Рафиқовга «Ўзбекистон Республикасида хизмат қўратган транспорт ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини И. КАРИМОВ. Тошкент шаҳри, 1993 йил, 15 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори

ЧОРВА, СУТ, ҚАРТОШКА, МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ АСОСИЙ ТУРЛАРИНИНГ ЧЕГАРАЛАНГАН ХАРИД НАРХЛАРИНИ УЗГАРТИРИШ ВА АЙРИМ ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИНИНГ ЧАКАНА НАРХЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Сотиб олинган моддий техника ва ёқилги-энергетика ресурсларига қишлоқ хўжалигининг ҳаракатлари ортин боғлашнинг муносабати билан ҳамда овқатлоб қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари этиштиришни кўпайтиришда жамоа хўжалиқлари, давлат хўжалиқларини, иккара, фермер ва бошқа хўжалиқларини рағбатлантириш мақсадида Вазирлар маҳкамаси қарор қилди:

1. 1993 йилнинг 20 апрелдан бошлал чорва ва сутнинг чегараланган харид нархларини 1-иловага мувофиқ, қартошка ва мева-сабзавот маҳсулотларини асосий турларининг чегараланган харид нархларини 2-иловага мувофиқ ошириш ҳамда қуруқ мева ва майизнинг харид нархларини шартномавий (эркин) нархлар тоифасига ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиқ вазирлигининг Молия вазирлиги билан келишилган тақлифи қабул қилинсин.

2. Қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини Республикадан ташқирга олиб чиқиб кетишининг Вазирлар маҳкамаси 1992 йил 21 январда 23-сон қарори билан тасдиқлаган тартиби асосан сақлаб қолинсин.

3. 1992 йил 20 апрелдан бошлал корхоналар, хўжалиқлар, тайёрлов ташкилотлари, кооперативлар, деҳқон (фермер) хўжалиқлари, ижарачилар, шахсий ёрдамчи хўжалиқларнинг эгалари ва фуқаролар учун республикадан ташқирга олиб чиқиб кетиладиган қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларидан олинган бож миқдорларни 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. «Қартошка, мева-сабзавот маҳсулотлари ва қуруқ мевани харид нархларини ўзгартириш тўғрисида» Вазирлар маҳкамаси 1992 йил 14 апрелда қабул қилган 188-сон қарор 3-хатбоши 2-бандининг амал қилиши саклаб қолинсин. Бунда ҳукуматлараро битимлар ва тўғридан-тўғри хўжалиқ алоқалари бўйича республикадан ташқирга мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш корхоналари, хўжалиқлари ва ташкилотлар бож тўлашдан озоод қилиниши белгиланган.

5. 1993 йил 20 апрелдан бошлал айрим озиқ-овқат моллари чегараланган чакана нархларининг янги даражаси 4-иловага мувофиқ белгилансин.

6. Ҳарча мулкчилик шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар ушбу қарорнинг 4-илова-сидати рўйхат бўйича маҳсулотнинг қолдиқларини 1993 йил 20 апрелгача бўлган ҳолатига қўра қайтадан баҳолаб, қўшимча нархлар суммасини тенг улушларда бюджетдан ташқир 746-ҳисоб рақамига ва уларнинг муомаладати маблагларини тўлдиришга ўтказилсин.

7. Вазирлар маҳкамасининг 1993 йил 16 январдаги 34-сон қарори, 1992 йил 3 августдаги 358-қарори, Вазирлар маҳкамасининг 1993 йил 5 февралдаги 62-сон қарорига берилган иловадаги гушт чакана нархларининг чегараланган миқдорларини ҳамда Вазирлар маҳкамасининг 1992 йил 16 октябрдаги 475-сон қарори 1-илова-сидати мақорон маҳсулотлари, ўсимлик ёғи ва қаймоғи олинмаган сут чакана нархларининг чегараланган миқдорларини ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Рэнси. Тошкент шаҳри, 1993 йил 17 апрель. И. КАРИМОВ.



ХОТИРАМИЗДА АБАДИЙ ҚОЛАДИ

Яқиндагина ватанимизга дўстона ташриф буюрган Туркия Ҳумурияти Президентини Тургут Узолин энди орамизда йўқ. Жаҳоннинг турли оммавий ахборот воситалари бб ишда унинг юраги уришдан тўхтаганини маълум қилди. Мамлакатимиз халқи бу совуқ хабарни чуқур қайғу билан кутиб олди. Эеро, унинг самимий табассумли кифаси ҳали кўз ўнгимиздан кетмаганди. Ота юртин, ҳазрат Баҳодурдин Нақшбандий ҳоқини эиберат эътавтинда ҳеч ким бу унинг мамлакатимизга сўнгги сафари эканини билмас эди. Бироқ, минг афсуски, бу қайғули хабар рост бўлиб чиқди. 19 апрель кунни Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов, Республика Олий Кенгаши Рэнси Шавкат Йўлдошев, Бош Вазир Абдулқошим Муталов ҳамда ташқир ишлар вазири, Содиқ Сафоев Туркиянинг буюк фарзанди, машҳур давлат ва сиёсат эрбоби, Туркия Республикаси Президентини Тургут Узолиннинг бевақт вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириш учун

Туркиянинг мамлакатимиздаги элчихонасига келдилар. Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ҳукумат раҳбарлари марҳум хотирасига ҳурмат бажо эдилар. Сўнгра Ислом Каримов Ўзбекистон раҳбарияти ва мамлакатимиз халқи номидан таъзия дафтарига ушбу сўзларни эиб қолдирди.

«Туркиянинг буюк фарзанди, дунё миқсидати давлат ва сиёсат эрбоби, Ўзбекистоннинг қадрдон дўсти, Туркия Ҳумуриятининг Президентини Тургут Узолиннинг бевақт вафоти тўғрисидаги хабар бутун дунёни ларзага солди.

Ўзбекистон ва Туркия ўртасидати биродарона алоқаларининг қайтадан тикланиши Тургут Узолиннинг бетиним фойдалиги билан кўп ниҳатдан боғлиқдир. Аиниқси, ушбу бекибс инсон билан Тошкентда кечганина бўлиб ўтган учрашувлар давомидаги унинг юрак ва кўл ҳароратининг тағри ҳали унутилмаган бир пайтда бу дахшатчини ҳис этиш нақадар огир!

Ўзбекистон ҳукумати ва халқи Туркия ва Ўзбекистондаги унинг сафдошлари Тургут Узолинни ишларини муносиб равишда давом эттиришларига ишонандилар. Биродаримиз Тургут Узолин Жаноби олийларининг эркин хотираси қалбларимизда абадий қолади.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЖАМИЯТИНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ ТУҒРИСИДА

I боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун ахборот мажмуи фаолиятининг иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий асосларини, унинг Ўзбекистон Республикаси халқ ҳўжалигида тўтган ўрни ва аҳамиятини белгилайди, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, фуқаролар, ахборот тайёрловчилар ва ахборотдан фойдаланувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиб туради.

2-модда. Қонуннинг амал қилиш соҳаси

Ушбу Қонун: ахборотларни яратиш, жамлаш, қайта ишлаш, узатиш, қўллаш ва ҳимоялаш, шунингдек жамиятни ахборотлаштириш билан боғлиқ бошқа барча муносабатларга;

ахборотни руҳсат этилмаган танишувдан сақлаш, шунингдек давлат аҳамиятига молик сир тутиладиган маълумотларни сақлаш соҳасида давлат ва жамоат идоралари, кооперативлар ва ўзга ташкилотлар ҳуқуқ субъектларининг, фуқароларнинг муносабатига нисбатан таътиб этилади.

3-модда. Давлатнинг ахборотлаштириш соҳасидаги сўбасати

Давлатнинг ахборотлаштириш соҳасидаги сўбасатининг асосий йўналишлари республикани ривожлантиришнинг таъминий ва реал илмий-техникавий, иқтисодий, ижтимоий ва сўсий шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш концепциясида белгиланади.

республиканинг ишлаб чиқариш, ташкилий, илмий ва ижтимоий тизимларидаги барча тармақларда электроника, ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситаларининг янги намуналарини яратиш ҳамда жорий этишини;

давлат ва жамоат идоралари ҳамда ташкилотларининг, фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини ҳар томонлама қондиришини;

ахборотни бир тартибга солиш, стандартлаштиришни ҳамда жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш учун шароит яратишини;

ватан ахборот бозорига четдан келтириладиган техник ва технология ахборот воситалари ҳамда ресурсларини сертифицикация қилишини;

II боб. АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ВА УЛАРИНИНГ МАЖМУИ

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг ахборот мажмуи

Республиканинг ахборот мажмуи давлат, маъмурий-ҳудудий, тармоқ ва халқаро ахборот тизимларини, ахборот узатиш ва уларни ҳимоя қилиш воситаларини ўз ичига олади.

5-модда. Ахборот тизимлари

Давлат, тармоқ, ҳудудий бошқарув идоралари, ижтимоий бирлашмалар ва хусусий ахборот истеъмолчилари, ҳисоблаш техникаси воситалари ва маълумотларни узатиш тизимларининг эҳтиёжларини қондириш мақсадида ташкилий-структурани, мавзуюй, технология ва бошқа белгилари бўйича шакллантириладиган расмий ҳужжатлаштирилган ахборотлар тўпламига автоматлаштирилган тарада қайта ишлаш берувчи тизимлар ахборот тизимлари ҳисобланади.

6-модда. Республиканинг давлат ахборот тизимлари

Ахборотларга ишлов беришнинг барча автоматлаштирилган тизимлари, давлат бошқаруви идораларининг ишлашини таъминловчи маълумотларнинг автоматлаштирилган базалари ва банклари, эксперт ва ахборот-қидирув тизимлари ҳамда тармоқларда республиканинг давлат ахборот тизимига кирдирилади.

Ушбу тизимларни аювда келтириш ва уларнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш республика бюджетини ҳисобидан амалга оширилади.

7-модда. Тармоқ ахборот тизимлари

Тармоқ ахборот тизимлари — корхоналар, концернлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, тармоқ ва зирликлари ва шу кабиларнинг ишлашини таъминловчи ахборотларга ишлов беришнинг автоматлаштирилган тизимидан, маълумотларнинг автоматлаштирилган базаларидан, эксперт тизимлардан иборатдир.

Уларни аювда келтириш ва жиҳозлаш тегишли тармоқ тузилмасининг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

8-модда. Ҳудудий-маъмурий тизимлар

Ҳудудий-маъмурий тизимлар ўзини ўзи бошқарувчи маҳаллий ҳудудий идораларининг (ҳокимиятларнинг) таҳлил этиш ва бошқариш вазифаларини таъминлаш учун ташкил этилади.

Ҳудудий-маъмурий тизимларнинг ташкил этиш, жиҳозлаш, ишга тушириш ва улардан фойдаланиш ишларини пул билан таъминлаш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

9-модда. Автоматлаштирилган кредит-банк ва биржа тизими

Автоматлаштирилган кредит-банк ва биржа тизими давлат, акционерлик, банк, биржа тузилмалари ва бошқа манфаатдор тузилмаларни аралаш тарзда пул билан таъминлаш орқали тузилади ҳамда ўзаро ҳисоб-китоблар жадвал амалга оширилишини таъминлашга кредит-молия операцияларни ўтказиш, шунингдек биржа фаолиятини, брокерлик ва даллолик хизматларини амалга оширишни автоматлаштириш, солиққа оид, аудиторлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш (бюджетларни, капитал маблағларини, солиқ назоратини шакллантириш) учун хизмат қилади.

10-модда. Пулсиз муомаланинг автоматлаштирилган тизими

Пулсиз муомаланинг автоматлаштирилган тизими кредит картчалари ва пулсиз молия ҳужжатларининг бошқа турларини фойдаланган ҳолда ўзаро ҳисоб-китоблар ўтказишда аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банк тизими асосида барпо этилади. Ушбу тизимни шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банкнинг аҳолидан жалб этилган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

11-модда. Хусусий ахборот тизимлари

Фуқароларнинг ахборот тизимлари уларнинг маблағлари ҳисобига ташкил этилади ва улар томонидан Давлат республика регистрида рўйхатдан ўтказилган ёки истеъмолчилар учун ахборотларга қайта ишлов

12-модда. Алоқа ва маълумотларни узатиш тизимлари

Давлат, тармоқ ва хусусий тарафдаги ахборот-ҳисоблаш тизимларини муассасмалаштирган алоқа ва маълумотларни узатиш тармоқлари ахборотлаштиришнинг техник асоси ҳисобланади. Мазкур тармоқлар алоқага кириш, маълумотларни қабул қилиш ва узатиш қоидаларини белгилаб беришчи умумий баёномаларга риоя этиш асосида тузилади. Ҳамда тармоқлар тузилмасининг янги турларини аювда келтириш ва ахборот хизматининг янги турларини ташкил этиш имкониятини таъминлайди.

13-модда. Тизим, дастур ва тармоқ орқали маълумотлар узатишда бир хилликни таъминлаш

Тизим, дастур ва тармоқ орқали маълумотлар узатишда бир хилликни таъминлаш ахборотлаштириш жараёнининг давлат томонидан тартибга солиш принципларига, шунингдек ахборот воситалари ва маълумотларни ишлаб чиқаришда ҳамда фойдаланишда ягона стандартларга, сифат сертификатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқарувининг махсус идоралари фаолиятига асосланади.

III боб. АХБОРОТЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИ

14-модда. Ахборотлаштиришнинг илмий-техника ва ишлаб чиқариш мажмуи

Мулкчилик шакли ва идоравий бўлишунидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудда жойлашган илмий-таъқиқот, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, ахборотларни қайта ишлаш марказлари, ихтисослаштирилган саноат корхоналари тармоғи жамиятин ахборотлаштириш тизимини шакллантириш ва рўбга чиқаришнинг илмий-техникавий базаси ҳисобланади.

Ушбу мажмуининг дастурлари, бюджет, моддий, техникавий, ташкилий ва ўзга ресурслари давлат статистикасида акс эттирилиши лозим.

15-модда. Ахборотлаштириш инфраструктураси

Ахборотларни қайта ишловчи ва бошқа ахборот хизмати кўрсатувчи, автоматлаштирилган тизимларга сервис хизмати кўрсатувчи; ҳодимлар ва фойдаланувчиларни ўқитувчи; маълумат берувчи ва усул-биятга доир ишларни баъжарувчи, истеъмолчиларга ахборот хизмати кўрсатиш сифатини оширишга доир бошқа ёрдамчи фойдаланиш фаолиятини амалга оширувчи илмий ва ишлаб чиқариш тузилмалари Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш инфраструктурасини шакллантиради.

Ахборотлаштириш инфраструктураси соҳасида ташкилотлар амалга оширадиган фаолият халқ ҳужжалиги тизимида «Ахборот хизмати» ёрдамчи тармоғи сифатида ҳисобга олинади.

16-модда. Дастурий-ахборот маълумотларининг давлат республика фонди

Республика нуфузини мустаҳкамлаш, ихтироларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Давлат республика регистри томонидан ЭҲМ учун реестрда қайд қилинган ахборот маълумотлари рўйхати ва ахборотлар бериш шакллари ана шу идора ва унга хизмат кўрсатадиган корхоналар тўғрисидаги маълумотлар тасдиқланган билан бир вақтда белгиланади.

IV боб. АХБОРОТЛАР ВА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМИ

19-модда. Ахборотнинг ҳуқуқий режими

Ахборотнинг ҳуқуқий режими Ўзбекистон Республикасининг қонунида, республиканинг давлат ҳо-

кимияти ва бошқаруви идоралари томонидан ўз ваколатлари доирасида чинараладиган қонуний ҳужжатларда, ахборотлаштириш соҳасидаги муносабатлар қатнашларининг шартнома ва битимларида белгилаб қўйилади.

Ахборотлардан фойдаланувчилар тоифаси ва ахборотларни қўриқлаш тартиби давлат сирини ҳимоя қилиш, тижорат ва ишлаб чиқариш сирларини ҳимоя қилиш, автоматлаштирилган тизимларда ахборотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро ва Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ, шунингдек фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи бошқа қонуний ҳуқуқлар белгиланади.

Ахборотлар айрим турлари (статистикага, фантехникага доир ва бошқа ахборотлар) ҳуқуқий режими унинг ўзига хос жиҳатлари халқ ҳужжалиги ва ижтимоий-маданий қурилишнинг муайян соҳаларида амал қиладиган қонуний асосда белгиланади.

Давлат ва жамоат ҳаётининг барча соҳаларида тўлланадиган ва қайта ишланадиган ахборотга оид бир шаклга келтирилган ҳужжатлар таркиби, классификаторлар ва стандартлар, шунингдек ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларни таъминлаш, муҳофаза этиш ва ҳимоя қилиш мақсадида хизмат қилувчи фуқаролар тўғрисидаги ахборотлар таркиби давлат бошқаруви идоралари томонидан белгиланади.

20-модда. Ахборотларга нисбатан мулкчилик ҳуқуқи

Ахборот давлатнинг, шу давлат фуқароларининг, юридик шахсларнинг, ишлаб чиқариш ва жамоат ташкилотларининг бойлиги, ўта муҳим ижтимоий ресурс сифатида моддий ёки интеллектуал мулк объекти бўлиши мумкин.

Ҳужжатлаштирилган ахборот мулк объекти сифатида алоҳида ҳужжат ёки ҳужжатлар тўплами шаклида (күтухона, архив, фонд, биланлар базаси ва бошқа шаклларда) намоён бўлади.

Ахборот мулкдори ўз мулкнинг объектига нисбатан ҳар қандай қонуний ҳақни-ҳаражатларни содир этиши, шунингдек ахборотга эгаллик қилувчи, ундан фойдаланувчи ёки уни тасарруф этувчи шахсни таъинлаши мумкин.

Қуйидагилар:

— ўз кучи ва ўз ҳисобидан ахборот яратиш; — ахборот яратишга доир шарҳнома;

— ахборотга нисбатан мулкдорлик ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш шартини ўзида акс эттирган олд-сотди, етказиб беришга доир шарҳнома ёки бошқа шарҳнома; — меросга бериш ва тортиқ қилиш ахборотга нисбатан мулкдорлик ҳуқуқини пайдо бўлишига асос бўлади.

Ахборотга нисбатан мулкдорлик ҳуқуқини рўбга чиқаришнинг ўзига хос жиҳатлари Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк тўғрисидаги Қонуни, муаллифлик ҳуқуқини меъёрлари билан белгилаб қўйилади.

21-модда. Ахборотга нисбатан мулкдорлик ҳуқуқини субъектлари

Ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек республика, қонимент ва бошқарув идоралари ахборотга нисбатан мулкдорлик ҳуқуқини субъекти бўлишлари мумкин.

Давлат ва жамоат идоралари ҳамда ташкилотлари расмий ахборотга нисбатан ўзларининг мулкдорлик ҳуқуқларини давлат бошқаруви, давлат хизмати тўғрисидаги, корхоналар, жамоат ташкилотлари, тўғрисидаги қонуний ҳужжатлар, ахборотлаштириш соҳасидаги муносабатлар бошқа субъектларнинг нисомлари ва усталарига мувофиқ рўбга чиқаради.

Шахсий ахборот ҳамда унинг моддий ашёлиги фуқароларнинг мулк ҳисобланади ва уларни шарҳнома асосида тегишли маълумотлар банк ёки архивга сақлаш учун топширилган тақдирда расмий ахборотлар қаторига қўйиш мумкин.

22-модда. Фуқароларга доир ахборотларни қайта ишлаш

Фуқароларга доир ахборотларни қайта ишлашнинг

дан фойдаланишга доир шартномаларнинг бузилмаганлиги учун зарарни қўллаш амалдаги қонуний мувофиқ амалга оширилади.

Ахборот маълумоти ишлаб чиқариш ва хизматлари кўрсатиш ҳамда улардан фойдаланишга доир шартномаларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жаоббарлик, олдда, айб бўлган тақдирда бошланади. Бу ҳолда зарарни қўллаш қонунида назарда тутилган тартиб ва миқдорда амалга оширилади.

Айбни аниқлашнинг имконини бўлмаган тақдирда зарарни қўллашга доир масалалар шартнома шартларига мувофиқ ҳал этилади.

27-модда. Мулкдор ва ахборот тизими қайта ишловчининг масъулияти

Ахборот мулкдори ва уни қайта ишловчилар атайин нотўғри, чала, кечиктириб ахборот бергани учун жаоббар бўладилар, шу тўғрй ахборотдан фойдаланувчига етказилган зарарни қўллайдилар.

Тўланиши дозим бўлган зарарнинг миқдори суд ёки ҳужалик суди томонидан белгиланади.

28-модда. Ахборот ва ахборот маълумотида бўлган мулклик ҳуқуқи ва низолар

Ахборот ва ахборот маълумотида бўлган мулклик ҳуқуқи ва низолар суд томонидан зарур ҳолларда Давлат республика регистри вакиллари ва экспертлар жалб этилган ҳолда қараб чиқилади.

29-модда. Шахсий ахборотларни ва фуқароларга доир ахборотларнинг ҳимоя қилиш

Шартномага асосан автоматлаштирилган тизимга киритилган шахсий ахборотлар ва фуқароларга доир ахборотларни қайта ишлаш ҳамда улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини бузганлик ҳоллари суд томонидан аниқланади.

Ахборотни қайта ишловчи ёки ундан фойдаланувчи томонидан ҳуқуқлари ёқуд қонуний манфаатлари бузилган фуқаролар суд идоралари орқали ўз ҳуқуқларини тиклашни тўланишини талаб қилишлари мумкин.

30-модда. ЭҲМ учун яратилган дастурга муаллифлик ҳуқуқи

Ижодий фаолиятнинг натижасида ЭҲМ учун дастур яратган жисмоний шахс унинг муаллифи деб эътироф этилади. Баршати, ЭҲМ учун дастур икки ёки ундан ортиқ жисмоний шахсининг биргаликда ижодий фаолияти тўғрйли яратилган бўлса, у ҳолда дастур ҳар бири муаллиф аҳамиятда эгами ёки бўлимадиллигини қатъи назар, бу шахслардан ҳар бири бундай дастурнинг муаллифи деб эътироф этилади.

Дастурга бир кишининг ёки жамоанинг муаллифлиги Давлат республика регистри берадиган гувоҳнома билан қайд этилади.

ЭҲМ учун яратилган дастур муаллифи ҳуқуқларидан қатъий

V боб. АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ БОШҚАРУВ

33-модда. Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат бошқаруви идоралари

Ахборотлаштириш соҳасида бошқаруви ҳузурида Ахборотлаштириш бош бошқармаси ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси амалга оширилади.

34-модда. Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат бошқаруви идораларининг ваколатлари ва масъулияти

1. Қуйидагилар ахборотлаштириш соҳасидаги давлат бошқаруви идораларининг ваколатларига кирдирилади: жамиятнинг барча тузилмаларини ахборот билан таъминлаш соҳасида фуқаролар, ташкилотлар, республика ва унинг бошқарув идораларининг конституциявий ҳуқуқи ва мажбуриятларини белгилаш, ахборотлаштириш соҳасида фан-техника тараққиёти ютуқларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш учун шарт-шароитларни яратиш, тегишли субъектларнинг ҳуқуқлари ва уларга берилган қарорларнинг ҳимоя қилиш;

ахборотлаштириш соҳасидаги умумдавлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда рўбга чиқаришга раҳбарлик қилиш, ана шу мақсадлар учун акритилган маблағларни тақсимлаш, ишларнинг мувофиқлаштириш ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш;

Давлат ҳокимияти, бошқаруви ва оид судлов идораларининг ахборотлар билан таъминлаш тартиби ва шартларини белгилаш; (Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЖАМИЯТИНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ ТУҒРИСИДА

(Давом. Бош 2-бетда).

35-модда. Илмий-дустурий махсулотларни экспертизадан ўтказиш ва сертифицициялаш тизими
Илмий-дустурий махсулотларни экспертизадан ўтказиш ва сертифицициялаш ишлари ўз фаолиятини хужжатлик ҳисоби асосида амалга оширувчи экспертизадама...

36-модда. Рағбатлантириш ва давлат томонидан тартибга солиш
Давлат бошқаруви идоралари ахборот технологияси яратувчиларини, ахборотлаштириш индустриясини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида...

37-модда. Давлатлараро муносабатлар
Давлатлараро муносабатлар ахборот технологиялари ва махсулотлари яратиш, ахборот хизмати кўрсатиш борасидаги тижорат фаолиятини пул билан таъминлаш ихтисослаштирилган фондлар орқали амалга оширилиши мумкин.

Давлат республика идоралари Қонунда белгиланган ҳолларда муайян ахборот технологиялари, махсулотлари ва ахборот хизматининг экспорти ва импорти...

38-модда. Халқаро шартномалар
Ахборотлаштириш соҳасидаги, айниқса, ахборот технологиясини ривожлантириш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида...

39-модда. Халқаро коммуникация тармоқларига улаштириш
Ўзбекистон Республикасининг ташкилотлари халқаро коммуникация тармоқларига улаштириш мақсадида...

40-модда. Халқаро айирбош қилиш ҳимоя этиши
Халқаро айирбош қилиш ҳимоя этиши, башарти, халқаро шартномалар ва битимларда ўзга ҳол назарда тутилмаган бўлса, республика қонуналари мувофиқ амалга оширилади.

Қонуни лойиҳаси юзасидан тақлиф ва мулоҳазаларнинг йиғилиши
Транспорт, йўл ҳўжалиги, алоқа ва информатика қўмитасига, қўйдаги маъмул юборинг:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Қадрли Ислам Абдуғаниевич!
Сиз, азиз ва муқтарам йўлбошчимиз, раҳимонамиз сифатида халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини, фаровонлигини таъминлаш йўлида гол-улуг тарихий ишларни амалга оширасиз. Айниқса, шў авлод таълим-тарбияси, иқтидорли шўларни авайлаб-асраб қамолга етказиш борасидаги хизматларингиз беқиёсдир.

из қолдири. Чунки хоразмлик 12 ўқувчи фан синовларининг ғолиблари қаторидан ўрин эгаллади. Улардан битказувчи синфда таълим олаётган 8 нафар йигит-қиз Республиканинг турли олий ўқув юртиларига имтиҳонсиз қабул қилиниш ҳуқуқини қўлга киритди.

ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВГА

Биз, шўнингдек, жонажон Ўзбекистонимизда, шў жулудан, аилотимизда, билгимдан ва зўли чўт тўларини мукамал бўлувчи муваққисларга эҳтиж катта эканини, мақсуд дустурлар билан бошқариладиган мураккаб дастгоҳларда ишлаш, илмий кашфиётлар яратиш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш зўн келгусида бизнинг зўнмимизга тушишини англаб туришимиз.

римиш ва ота-оналарнинг зўннинг ишончларини оқлашга, умидларга мўносиб инсонлар бўлиб етишишга ҳаммиш астойдил ҳаракат қилаверамиз.
Мустиқил Ўзбекистонимизнинг шўну шавкатини беланд кўтаришдек улўғур ишга бўтун қўлимиз билан иштилакмиш.

ТУРКИЯ ВА ЯПОНИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

17 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Абдулҳўмон Мўталов жумҳуриятимизда меҳмон бўлиб турган Туркия ташқи иқтисодий алоқалар қўмитасининг турк-япон тadbиркорлик кенгаши делегацияси аъзоларини қабул қилди. Қабулда Туркия ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Яшар Якиш, Туркиянинг Ўзбекистондаги буюк элчиси Вулдон Чўтур иштирок этдилар.

А. Мўталов меҳмонларга Республикамизда амалга оширилган иқтисодий ислохотининг асосий йўналишларини таъриф қилиб, Туркия ва Япония ишбилармонлари учун барча эҳтишлар оқиб эканини айтиб, бу ҳамкорлик мустиқил Ўзбекистон иқтисодийетини юксалтиришга хизмат қила-

ди, деб ишонч билдириди. Турк-япон тadbиркорлик кенгаши расми жонаб Сарик Тара ва Япония Сакура банкни президентни Жаноб Суематсу бошчилигидаги делегация аъзолари самимий қабул ва эътибор учун миннатдорлик билдиридилар.

нотчилар уйда республика вазирликлари, идораларининг раҳбарлари, ишбилармонлар билан учрашдилар. Тўғричилик, кимё, қайта ишлаш саноати ҳамда банк соҳасида ҳамкорлик қилиш, қўшма корхоналар бунёд этиш борасида фикрлашиб олинди.

Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг учрашуви

(Давом. Бош 1-бетда).

Иттифоқнинг энди мустиқил бўлиб қолган давлатлари ўртасида ақирчоқ ҳамкорлик зарурлигини айтиди. Россияда кучайиб бораётган сийсий қарама-қаршилик, қонуний сайланган президентини четлаштиришга интилишлар оқибати нима билан туғанишини олдиндан айтиб бўлмайдиган воқеаларга сабаб бўлиши мўмкинлигини алоҳида таъкидлади. Бунинг оқибатида, ниҳоят, аниқ бир шақлга кирган МДХнинг умри тугаб қолиши мўкин.

